

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида)

2021 йил апрель ойининг “23” куни, жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди, Риштон туман Хунармандлар марказида, сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси У.Мехмоналиев раислигида, Х.Усмоновнинг котиблигида, Риштон туман прокурори ёрдамчиси Н.Саминовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланган Усмонов Азизбек Абдумажидовичга нисбатан 1-1515-2101/94-сонли жиноят ишени кўриб чикди.

Судланувчи Усмонов Азизбек Абдумажидович, 28.04.1986 йилда Риштон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, ёлланма уста, муқаддам 02.04.2019 йилда жиноят ишлари бўйича Боғдод тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида тугатилган, Риштон тумани, Навбахор М.Ф.Й, Тинчлик кўчаси 30-уйда яшовчига нисбатан жиноят иши бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 5 апрель куни айблов далолатномаси нусхасини олган.

Суд судланувчи ва жабрланувчини аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Усмонов, 2021 йил 13 февраль куни соат 15:30 да ўзининг бошқарувидаги “Нексия” русумли, 40В796ЕА давлат рақамли автомашинасини Риштон тумани, Ёйилма М.Ф.Й, Чунгбоғиш-2 кўчасида маст ҳолатда бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 8, 11, 12, 77-бандларида кўрсатиб ўтилган талабларини қўпол тарзда бузиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмай бошқарувни йўқотиб, автомашинани назорат қила олмасдан, йўлнинг ўнг йўл четида ҳаракатланиб кетаётган пиёдачи фуқаро Ахмаджонова Назира Каримовнани автомашина ўнг, олд томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ходисасини содир этиши оқибатида, пиёдачи Н.К.Ахмаджонова ўрта оғир тан жароҳати олиб, Риштон тумани Марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Усмонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айблаб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.



Жабрланувчи қонуний вакили М.Эргашева судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда судланувчи А.Усмонов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув бўйича унга ҳеч ким тазйик ўтказмаганлигини, ярашувга рози эканлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи А.Усмонов судда қилмишига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи қонуний вакили М.Эргашева билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, ярашувга рози эканлигини билдириб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, иш бўйича судланувчи А.Усмонов ва жабрланувчи қонуний вакили М.Эргашеванинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монеълик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларнинг ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи қонуний вакили М.Эргашевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПКнинг 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Усмонов Азизбек Абдумажидовичга нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи қонуний вакили Эргашева Манзурахон Бердалиевнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Усмонов Азизбек Абдумажидовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

У.Мехмоналиев

У.Мехмоналиев

